

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53406-3.20.09

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**МОЛИЯ ОРГАНЛАРИДА НАЗОРАТ
ВА ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"

бакалавриат йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Жамолов Х.,
к.ўқ. Нурмухаммедова Б.

Такризчилар: доц. Ҳайдаров Н.,
к.ўқ. Қосимова Г.

Мазкур дастур молия органларида назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилишнинг асосий турлари, шакллари ва усулларини ўз ичига олган бўлиб, олий таълимнинг "Бизнес ва бошқарув" соҳаси бўйича бакалавриятнинг "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналишларидаги талабаларга мўлжаллаб тузилган. Ундаги Ўзбекистон Республикаси молия органларида назорат ва иқтисодий ишларни ташкил этиш амалиёти ҳамда бу соҳадаги тараққий этган давлатлар илғор тажрибалари билан боғлиқ масалалар маъруза ва амалий машғулотлар моҳиятини ақс эттиради. Дастурда фанни ўрганишга оид ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати берилган. Дастурга компьютер ўқув дастурлари, интернет тармоғи сайтлари рўйхати илова қилинган.

Данная программа включает в себя основные виды, формы и способы организации контрольно-экономической работы в финансовых органах и предназначена для студентов направлений бакалавриата "Финансы", "Налоги и налогообложение". В программе освещены вопросы организации контрольно-экономической работы в финансовых органах Узбекистана и передовой опыт развитых стран в этой области, которые отражают основную суть лекционных, практических занятий и тем самообразования. В программе приведены списки литературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. К концу списка приложена перечень сайтов интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

Program includes the most important theme reflecting the main point of general Tasks of foreign countries Finance and is worked out considering all special ties and directions of baccalaureate in sphere of "Business and Management ". lecture themes, practical studies, seminars and self – educated questions including questions of foreign economic policy and foreign economic affairs of the Republic of Uzbekistan are observed in it.

Program consist of list of main and additional literature, economic news – papers and magazines, including also necessary English literature. As an appendices presented list of computer educational programs, internet web – sites and electronic training aids.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2002 йил 9-сон мажлис баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Молия органларида назорат-иқтисодий ишлар" фанини ўқитишнинг мақсади – келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун молия органларида назорат-иқтисодий ишларни ташкил этишнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги молиявий назорат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- молия органларида назорат-иқтисодий ишларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- молия органларида назорат-иқтисодий ишлар тизими ва унинг назарий, услубий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- молия органларида назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш турлари, шакллари ва усулларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси молия органлари, уларнинг молиявий назоратни ташкил қилишдаги функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш;
- молия органларининг давлат даромадлари истиқболларини белгилаш ва иқтисодий таҳлил қилиш соҳасидаги назорат-иқтисодий ишларини ўрганиш;
- ноишлаб чиқариш ташкилотлари ва муассасалари ҳамда алоҳида тадбирларни молиялаштиришни ўрганиш;
- бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва асосий ишлаб-чиқариш (оператив-тармок) кўрсаткичларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш асосларини ўрганиш;
- бюджет ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш асосларини ўрганиш;
- молия органларида бюджетни тузиш аа ижро этиш жараёнидаги молиявий назорат асосларини ўрганиш;

- тараққий этган мамлакатлар молия органларида назорат-иқтисодий ишларни ташкил этиш амалиётини ўрганиш.

"Молия органларида назорат-иқтисодий ишлар" фани "Молия", "Иқтисодий таҳлил", "Халқаро молия муносабатлари", "Чет мамлакатлар молияси" каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга "Молия органларида назорат-иқтисодий ишлар" фани "Давлат бюджети", "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш", "Нобюджет фондлар", каби қатор махсус фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, уқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда халқаро молиявий қонунчилик, оммавий-ахборот воситалари орқали халқаро миқёсдаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини мукамал ўрганиш учун талабалар халқаро молия амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил усулларида, молиявий режалаштириш усулларида фойдалана билишлари лозим.

"Молия органларида назорат-иқтисодий ишлар" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, халқаро молия амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда Молия органларида назорат-иқтисодий ишларга доир адабиётларни ўрганиб, малакаларини оширишларида қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 75, шу жумладан 30 - маъруза, 20 - амалий машғулотлар ва 25 - мустақил таълим соатлари

ажратилган. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш VIII ўқув семестрига мўлжалланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишнинг бир семестрида икки маротаба жорий (семинар машғулотида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотида) ва бир маротаба якуний баҳолаш амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланишнинг асосларини қуйидагилар исботлайди:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилиши;
- муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштириш асосларидан фойдаланилиши;
- таянч ибораларга асосланган "ёзма иш" орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишда молияга тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Projectexpert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатувчи материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Молия", "Солиқ ва солиққа тортиш" бакалавр таълим йўналишлари бўйича мутахассисларга тегишли тарзда VIII семестрда ўқитилиши режалаштирилган.

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлари тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Фан бўйича бакалавриат босқичининг тегишли йўналишлари учун тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур;
2. Ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини этадиган тарзда берилиши керак;
3. Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши зарур;
4. Ишчи дастурда ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши лозим.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" фани бўйича ўқиладиган маърузалар мавзулари

"Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

"Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" фанининг предмети, ўрганиш объектлари. Жамиятда хўжалик юретишнинг турли соҳа ва тармоқларида, давлат бошқарувининг барча поғоналарида пул оқимлари, молиявий ресурслар ҳаракатини назорат қилиш – курснинг ўрганиш объекти сифатида. "Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" фанининг мақсади, вазифалари, иқтисодий билимлар қаторида тутган ўрни ва аҳамияти, унинг бошқа махсус фанлар билан ўзаро алоқаси. Молия органларида назорат ва иқтисодий ишларни ташкил этишнинг назарий, услубий ва ҳуқуқий асослари. *Молиявий назорат – бошқариш тизимининг асосий элементи сифатида.* Назорат-иқтисодий ишларнинг ташкил топиш ва ривожланиш босқичлари. *Молиявий назоратнинг назарий асосларининг ҳозирги замон назарийётчи – олимлари томонидан талқин этилиши.* Назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш тамойиллари. Молия органларида назорат-иқтисодий ишларнинг вазифалари, уларни ташкил этиш усуллари, ислоҳотларнинг янги босқичида уларнинг такомиллашуви. Назорат-иқтисодий ишларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, хўжалик юретишнинг юқори натижаларига эришишга, давлат даромадларининг ошишига ҳамда давлат маблағларидан самарали, фойдаланишга таъсири. *Молия органларида назорат-*

иқтисодий ишларни ташкил этишининг ҳуқуқий асослари, уларнинг мустаҳкамланиши ва такомиллашуви.

Молия органларида назорат ва иқтисодий ишларни ташкил қилиш турлари, шакллари ва усуллари

Молия органлари тўғрисида тушунча. Молиявий назоратнинг мазмуни ва аҳамияти. Молиявий назоратнинг объектлари ва субъектлари. Молиявий назоратнинг уни амалга оширувчи субъектларга кўра турлари. Давлат молия назорати, унинг гуруҳланиши. Умумдавлат молия назорати, асосий органлари, уларнинг вазифалари. Маҳкамавий (идоравий) молиявий назорат, унинг ўзига хос хусусиятлари, субъектлари. *Нодавлат молия назорати: субъектлари, вазифалари ва аҳамияти.* Молия органларида молиявий назоратни олиб бориш шакллари: дастлабки, жорий ва сўнгги назорат, уларнинг хусусиятлари, бир-бирига боғлиқлиги ҳамда мувофиқлиги зарурияти. Назоратни олиб бориш усуллари: текшириш; таҳлил қилиш, тафтиш қилиш. Нодавлат, даҳлсиз молиявий назоратнинг таркиб топиши ва ривожланиши, унинг аҳамияти. Аудиторлик назоратининг моҳияти, зарурияти, афзалликлари. Ислохотларнинг бугунги босқичида молиявий назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш. *Ўзбекистон Республикасида "Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши"нинг тузилиши, унинг мақсад ва вазифалари. (ПФ-1503 08.08.1996 й.)*

Ўзбекистон Республикаси молия органлари, уларнинг молиявий назоратни ташкил қилишдаги функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Умумдавлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар, уларнинг таркиб топиши ва ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркиби ва тузилиши, унинг молия тизимида назоратни ташкил қилишдаги роли ва аҳамияти. Молия вазирлиги тизими, унинг таркибий тузилиши. Маҳаллий молия органлари, ҳудудий молияни бошқариш, тартибга солиш ва назорат қилишда уларнинг аҳамияти, улардаги назорат ишларининг хусусиятлари. Молия вазирлиги тизими фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар. Молия вазирлиги таркибидаги назорат – тафтиш Бошқармаси, унинг таркибий тузилиши, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Давлат маблағларидан, давлат мулкидан ва давлатга тегишли бошқа активлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилишда *назорат-тафтиш Бошқармаси (НТБ)нинг аҳамияти. НТБнинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва қонуний ҳужжатлар.* Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ Қўмитаси, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Солиқ назоратини юритишда, давлат даромадларининг ўз вақтида, тўлиқ тушишини таъминлашда ДСҚ сининг аҳамияти. ДСҚ тизими, унинг таркибий тузилмаларида назорат-иқтисодий ишларнинг хусусиятлари. *Иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида молия-солиқ органларига қўйилаётган янги талаблар, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.*

Молия органларининг давлат даромадлари истиқболларини белгилаш ва иқтисодий таҳлил қилиш соҳасидаги назорат-иқтисодий ишлари

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилиш – давлат даромадлари (жумладан, давлат бюджет даромадлари)нинг истиқболини белгилашнинг асоси сифатида. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг таҳлили, давлат даромадлари ҳажмлари билан боғлиқлиги. Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушушини таҳлил қилиш – даромадлар истиқболини белгилашнинг зарурий элементи. *Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилишда солиқ ва молия органлари фаолиятини мувофиқлаштириш. Давлат солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш-даромадларни прогноллашнинг асосий босқичи.* Молия органларининг даромадлар истиқболларини белгилаш соҳасидаги назорат-иқтисодий ишларини мувофиқлаштириш масалалари.

Ноишлаб чиқариш ташкилотлари ва муассасалари ҳамда алоҳида тадбирларни молиялаштириш

Иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси ҳамда нобозор секторининг мавжудлиги, зарурлиги ва аҳамияти. *Ноишлаб чиқариш соҳаси ва нобозор сектори ташкилотлари ва муассасалари молиявий таъминланишининг хусусиятлари.* Бюджет ташкилотлари тўғрисида тушунча. Бюджет маблағларига эгалик қилувчилар, уларнинг гуруҳланиши. *Бюджет ташкилотларини сметали молиялаштириш тартиби.* Штатлар жадвали, унинг тузилиши. Бюджет ташкилотларини молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари. Молия органларининг бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, смета асосида молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш жараёнидаги назорат иқтисодий ишлар: сметанинг ва штатлар жадвалининг тўғрилигини текшириш, тасдиқлаш, молиялаштирувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш, молиялаштиришни очиш, маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш, ҳисоботлар қабул қилиш ва умумлаштириш. Бюджет ташкилотларининг

бюджетдан ташқари маблағлари манбаларининг шаклланиши, маблағларнинг ишлатилиши юзасидан назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш.

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва асосий ишлаб-чиқариш (оператив-тармоқ) кўрсаткичларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш

Бюджет ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ) кўрсаткичлари – текшириш объекти сифатида. Ижтимоий соҳанинг турли тармоқлари ва иқтисодиётнинг нобозор сектори муассасалари асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. *Харажат гуруҳлари бўйича асосий ҳисоб-китоблар, уларнинг тўзрилигини текшириш тартиби, текшириш манбалари.* Харажатларни режалаштиришнинг қонуний, ҳуқуқий-меъёрий асослари. Бюджет меъёрлари, харажатларни лимитлаш, уларга риоя қилинганликни текшириш.

Бюджет ташкилотлари молиявий-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш

Тафтиш – молия органлари назорат-иқтисодий ишларининг асосий усули сифатида. Бюджет ташкилотларида тафтиш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган органлар, уларнинг ваколатлари. *Маҳкамавий (идоравий) назорат аппарати, унинг вазибалари, ваколатлари.* Молия вазирлиги тизимидаги молия органларининг, ваколатлари, назорат-тафтиш органлари, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари. Бюджет ташкилотлари молиявий-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг асосий вазибалари. Тафтиш турлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Тафтиш манбалари, уларнинг гуруҳланиши. Тафтиш босқичлари, уларга тавсиф. Тафтишларни режалаштириш. Тафтиш дастурини тузиш. Тафтишни ташкил қилиш. Тафтиш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш. Далолатнома – тафтишнинг асосий расмий ҳужжати сифатида. Тафтиш натижаларини амалга тадбиқ этиш ва назорат ўрнатиш. *Тафтишларни ташкил қилишда давлат назорати органларининг аудиторлик назорати идоралари билан ҳамкорлиги.*

Молия органларида бюджетни тузиш ва ижро этиш жараёнини тафтиш этишни ташкил этиш

Бюджетни тузиш жараёнида молия органлари фаолиятини тафтиш этишнинг асосий вазибалари. Бюджетни тузиш бўйича тафтишнинг субъектлари, объектлари ва предмети. *Тафтиш манбалари.* Бюджет ижросини тафтиш қилиш: бюджетнинг даромад ва харажатлар бўйича ижросини текшириш, қўшимча ажратмаларнинг асосланганлигини, режадан ортиқча ажратмаларни молиялаштириш манбаларининг мавжудлигини текшириш. Бюджет бўғинлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича, бюджет ссудаларини бериши бўйича операцияларнинг

конунийлигини текшириш. *Молия органларида назорат - иқтисодий ишларнинг ҳолатини текшириши.* Бюджетнинг кассавий ижросини текшириш ва тафтиш қилиш, унинг мақсади, вазифаси, объектлари. Тафтиш натижаларини расмийлаштириш ва чора-тадбирлар белгилаш. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида текшириш ва тафтишларнинг самарадорлигини ошириш, тафтишчиларни моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш.

Тараққий этган мамлакатлар молия органларида назорат-иқтисодий ишларини ташкил этиш амалиёти

Ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш. Молиявий назорат органларининг хусусиятлари. Солиқ, бюджет ва молия назоратининг ўзига хос жиҳатлари. Назорат-иқтисодий ишларни микродаражада ташкил этиш амалиёти. Иқтисодий назоратни макродаражада ташкил этиш амалиёти, бу соҳадаги ҳорижий тажриба асосида Ўзбекистон молия органлари олдига қўйилаётган янги талаблар. *Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.*

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ(ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати

"Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

"Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" курсининг предмети, ўрганиш объектлари.* Жамиятда хўжалик юриштишнинг турли соҳа ва тармоқларида, давлат бошқарувининг барча поғоналарида пул оқимлари, молиявий ресурслар ҳаракатини назорат қилиш – курснинг ўрганиш объекти сифатида.* "Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар" курсининг мақсади ва вазифалари.* Молия органларида назорат ва иқтисодий ишларни ташкил этишнинг назарий, услубий ва ҳуқуқий асослари. Назорат-иқтисодий ишларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, хўжалик юриштишнинг юқори натижаларига эришишга, давлат даромадларининг ошишига ҳамда давлат маблағларидан самарали фойдаланишга таъсири.

Молия органларида назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш турлари, шакллари ва усуллари

Молиявий назоратнинг мазмуни ва аҳамияти, объектлари ва субъектлари турлари. Давлат молия назорати, унинг гуруҳланиши. Нодавлат молия назорати: субъектлари, вазифалари ва аҳамияти. Молия органларида молиявий назоратни олиб бориш шакллари: дастлабки, жорий ва сўнгги назорат, уларнинг хусусиятлари, бир-бирига боғлиқлиги ҳамда мувофиқлигининг зарурлиги.* Назоратни олиб бориш усуллари: текшириш: таҳлил қилиш, тафтиш қилиш.* Аудиторлик назоратининг моҳияти, зарурлиги, афзалликлари.* Ўзбекистон Республикасида "Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши"нинг тузилиши, мақсад ва вазифалари. (ПФ-1503 08.08.1996 й.)

Ўзбекистон Республикаси молия органлари, уларнинг молиявий назоратни ташкил қилишдаги функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Умумдавлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар, уларнинг таркиб топиши ва ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги унинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.* Маҳаллий молия органлари, ҳудудий молияни бошқариш, тартибга солиш ва назорат қилишда уларнинг аҳамияти, улардаги назорат ишларининг хусусиятлари. Молия вазирлиги таркибидаги Назорат – тафтиш Бошқармаси (НТБ), онинг таркибий тузилиши, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.* Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. ДСҚ тизимининг, таркибий тузилмаларида назорат-иқтисодий ишларнинг хусусиятлари.*

Молия органларининг давлат даромадлари истиқболларини белгилаш ва иқтисодий таҳлил қилиш соҳасидаги назорат-иқтисодий ишлари

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилиш – давлат даромадлари (жумладан, давлат бюджет даромадлари)нинг истиқболини белгилашнинг асоси сифатида. Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилиш – даромадлар истиқболини белгилашнинг зарурий элементи.* Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилишга полиқ ва молия органлари фаолиятини мувофиқлаштириш.*

Ноишлаб чиқариш ташкилотлари ва муассасалари ҳамда алоҳида тадбирларни молиялаштириш

Иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси ҳамда нобозор секторининг мавжудлиги, зарурлиги ва аҳамияти. Бюджет ташкилотлари тўғрисида тушунча.

Бюджет ташкилотларини сметали молиялаштириш тартиби. Молия органларининг бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, смета асосида молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш жараёнидаги назорат-иқтисодий ишлар: сметанинг ва штатлар жадвалининг тўғрилигини текшириш, тасдиқлаш, молиялаштирувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш, молиялаштиришни очиш, маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш, ҳисоботлар қабул қилиш ва умумлаштириш.* Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари манбаларининг шаклланиши, маблағларнинг ишлатилиши юзасидан назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш.*

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва асосий ишлаб-чиқариш (оператив-тармоқ) кўрсаткичларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш.

Бюджет ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ) кўрсаткичлари – текшириш объекти сифатида.* Харажат гуруҳлари бўйича асосий ҳисоб-китоблар, уларнинг тўғрилигини текшириш тартиби, текшириш манбалари. Харажатларни режалаштиришнинг қонуний, ҳуқуқий - меъёрий асослари.

Бюджет ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш

Тафтиш - молия органлари назорат-иқтисодий ишларининг асосий усули сифатида. Бюджет ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг асосий вазифалари.* Тафтиш турлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, тафтиш манбалари, уларнинг гуруҳланиши.* Тафтиш натижаларини амалга тадбиқ этиш ва назорат ўрнатиш.

Молия органларида бюджетни тузиш ва ижро этиш жараёнини тафтиш этишни ташкил этиш

Бюджетни тузиш жараёнида молия органлари фаолиятини тафтиш этишнинг асосий вазифалари.* Бюджет бўғинлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича, бюджет ссудаларини бериши бўйича операцияларнинг қонунийлигини текшириш.* Молия органларида назорат-иқтисодий ишларнинг ҳолатини текшириш.* Бюджетнинг кассавий ижросини текшириш ва тафтиш қилиш, унинг мақсади, вазифаси, объектлари.

Тараққий этган мамлакатлар молия органларида назорат-иқтисодий ишларини ташкил этиш амалиёти.

Ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш, молиявий назорат органларининг хусусиятлари.* Назорат-иқтисодий ишларни микро ва макро даражада ташкил этиш амалиёти. Иқтисодий назоратни макродаражада ташкил этиш амалиёти, бу соҳадаги ҳорижий тажриба асосида Ўзбекистон молия

органлари олдига қўйилаётган янги талаблар.* Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

Мавзуларни чуқур ўрганишда кўргазмали воситалар, слайдлардан, компьютер техникасидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Case Studies: ЎР макроиктисодий таҳлилига доир ўқув мисоллари (рус тилида). Очиқ жамият институти хомийлигида Иктисодий Марказ томонидан тузилган.

Масофавий ўқитиш соатлари: www.google.ru (Будапешт, Европа Марказий Университети дастурлари) www.yandex.ru; www.rambler.ru; www.worldbank.org.ru; www.imf.org.

Компакт диск: Sales information. International Monetary Fund – Publication Services; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

Статистик тўпламлар:

1. Страны мира в цифрах за 2000, 2001 г.г.
2. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г.
3. Отчеты МВФ за 2000, 2001 г.г.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини яқуний баҳолаш босқичида ёзма ишни татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";
- 55 - 70 фоиз "қониқарли";
- 55 фоиздан кам "қониқарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истихлос, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йиллари ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғриси"даги 455-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
6. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 13 декабрдаги "Молия вазирлиги ва молия органларининг бюджет ташкилотлари ва штатлар жадвалини регистрация қилиш тартиби" ҳақидаги 849-сонли буйруғи.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 13 декабрдаги "Ижтимоий соҳа ташкилотларини 2000 йил бюджетдан молиялаштиришнинг меъёрлари" ҳақида 850-сонли буйруғи.
9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги "Давлат бюджети харажатлари ва 2000 йил бюджет бланкасининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 230-сонли буйруғи.
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 23 декабрдаги 859-сон "Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Низоми.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 236-сонли, халқ таълими вазирлигининг 210-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 737-сонли 1999 йил

- 17 декабрдаги "Ҳуқуқий шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари тўғрисида"ги қўшма буйруғи.
12. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2000 йил 7 январдаги "Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани ташкилотларга ижарага бериш тўғрисида"ги Низом.
 13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 3 февралдаги "Республика ва маҳаллий бюджетларга қарашли бюджет ташкилотларининг смета харажатларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш тўғрисида"ги 888-сонли меъёрий ҳужжати.
 14. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2001 йил 12 апрелдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг кўзда тутилган даромадлари ва харажатлари йиллик режасининг чораклараро тақсимланишининг тартиби, бюджетни бажариш жараёнидаги ўзгартиришлар киритиш ҳисоби, бюджетда кўзда тутилган ташкилот ва тадбирларни молиялаштириш тўғрисида"ги 1025-сонли буйруғи.
 15. Акрамов Э. А., Таиров А. Э. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ислохотлари - М.: ТОО Люкс-арт, 1998.
 16. Абрамова А. М., Александрова Л. С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учеб. пос. -М.: 1999.
 17. Дробозина Л. А. Общая теория финансов. -М.: Банки и биржи, 1999.
 18. Зарипова И. Р., Хафизова В. Р. История развития и современное состояние межбюджетных отношений в России. 2-изд. –Уфа: ГП Принт, 2001.
 19. Зарипова И. Р., Хафизова В. Р. Баланс финансовых ресурсов территории. 2-изд. – Уфа: ГП "Принт", 2001.
 20. Иванова М. В. Финансы и развитие малых городов Кольского Севера. 2-изд. – Апатиты: ИЭП КНЦ РАН, 2001.
 21. Ковалева А. М. Финансы. Учебное пособие для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, 3-изд. - М.: Финансы и статистика 2001.
 22. Тейлор А. Х., Поукоеа М. А., Финансовое планирование и контроль. 2-изд. -М.: ИНФРА-М, 1999.
 23. Финансы: Уч. для вузов. Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской, Б. М. Сабанти. -М.: Юрайт, 2000.
 24. Эрнст Джонс. Деловые финансы. -М.: Диалог, 1998.
 25. Четыркин Е. М. Финансовый анализ производственных инвестиций. 2 – е изд. испр. и перераб. –М.: Дело, 2001.
 26. Юрцева Т. В. Экономика некоммерческих организаций. -М.: Юрист, 2002.

27. В. Понамаренко Финансы общественного сектора России. -М.: Экономика, 2001.
28. Холт Р. Контроллинг для всех. -М.: Аудит-Информ. 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Важнейшие задачи органов финансовой системы. Финансы при переходе к рынку // "Финансы", 1997, № 6.
2. Герасименко Г. П., Маркарьян Э. А., "Финансовый анализ", Уч.пос. 2-езд. -М.: ПРИОР, 2001.
3. Дж. К. Ван Хорн Основы управления финансами. Под ред. проф. Соколова Я. В. 2-езд. -М.: Финансы и статистика, 2000.
4. Ковалев В. В. Финансовый анализ: управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности. 2-езд. -М.: Финансы и статистика, 2000 г.
5. Кутафин О. Е., Фадеев В. И. Муниципальное право Российской Федерации. -М.: Юристъ, 1997.
6. Лавров А. Проблема становления и развития бюджетного федерализма в России. Становление рыночной экономики в России: Сб. науч. проектов. Вып. 10. -М.: МГУ, 2000.
7. Ларионов И. К. О некоторых вопросах социально-экономической стратегии и финансовой политики. // "Финансы", 1997, № 6.
8. Лободенко Н. В. Аудит и диагностика банкротства. // "Финансы", 1997. № 2.
9. Эрик Хелферт Техника финансового анализа. Пер. с англ. Под ред. Белых Л. П. 2-езд. -М.: Аудит, ЮНИТИ, 2000.
10. Boyd J. Inflation. "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996. Policy Research Working Paper 1575. The World Bank. Washington. D. C.
11. EBKD transition Ronont 1998. Financial sector in transition. European Bank for Reconstruction and Development. London 1998.
12. Hermes N. Lesnik R. Financial System Development in Transition Economies. Journal of Banking and Finance. Vol. 24. pp. 507-524.
13. Moyer C. Financial System. Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbart (ed) Asymmetric information. Corporate Finance and investment. A Notional Bureau of Economic 1990 Research Project Report, University of Chicago Press. Chicago. PP. 307-322.
14. Steinherr A. An innovator Package for Financial Sector Reforms in Eastern European Countries. Journal of Banking and Finance 17 PP. 1033-1057.

15. Mingaleva Zh About the experience of enterprise's strategies in crises situation. All Russian scientific conference "Economics" theory methodology, trends of development: S-Petersburg 1998.

Tkacheva S Innovation Activities Infrastructure as Multi Agent System The 11th Annual Meeting of the Japan Association for Evolutionary Economics. JAFEE 2000 Tokyo Japan 2000. 136-141.